

**SCIENCE  
PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzARB  
muammolari**

Jild 3, Son 12/1

**2023**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**№ 12/1 (3)-2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизилиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амирнов Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шохида Зайневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўйими психологик хизмат бошлиғи.

### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Марҳабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насридин Атакуллович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик

Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## **МУНДАРИЖА**

### **07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

<i>Елмуратов Икматулла Гайбуллаевич</i> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ БИРИНЧИ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ТАРИХИ (1931-1936 ЙИЛЛАР) .....	12-18
<i>Qitaybekov Azizbek Kenesbek o'g'li</i> QORAQALPOG'ISTONDA HAVO TRANSPORTINING SHAKLLANISHIDA "DOBROLET" AKSIYADORLIK JAMIYATINING O'RNI .....	19-23
<i>Nawrizbaeva Nurjamal Qudaybergenovna</i> QORAQALPOQLARNING GILAMCHILIGI BILAN BOG'LIQ BA'ZI MAROSIMLAR .....	24-29
<i>Сайдуллаев Фаррух Умедулло ўғли</i> МУҲАММАД ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ЭТНОЛОГИК ВА ЭТНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРИ .....	30-35
<i>Berdiqulov Mirolim Tugalvoyevich</i> TO'DA-1 NEOLIT MAKONINING O'ZBEKISTON TOSH DAVRI ARXEOLOGIYASINI O'RGANISHDAGI O'RNI .....	36-40
<i>Olimjonova Gulida Olimjon qizi</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA DAVLAT BOJXONA XIZMATI ORGANLARI FAOLIYATI ..	41-47
<i>O'ng'arov Lazizbek Amiriddin o'g'li</i> NUROTA TOG' TIZMASINING TOSH DAVRI ARXEOLOGIYASINING O'RGANILISH TARIXI..	48-53
<i>Rahmonov Faxriddin Shoymardonovich</i> MILLIY DEHQONCHILIK MADANIYATINI ETNO-TARIXIY MANBALARDA AKS ETISHI (JANUBIY O'ZBEKISTON MISOLIDA) .....	54-58
<i>Tilavboyev Muhammad</i> JIZZAX VOHASIDA OT BILAN BOG'LIQ URF-ODATLAR VA MAROSIMLAR .....	59-63
<i>To'xtaboyev Xurmatullo Shomirza o'g'li</i> O'ZBEKISTON ILM-FANI RIVOJIDA FARG'ONA DAVLAT UNIVERSITETINING O'RNI (MUSTAQILLIK YILLARI MISOLIDA) .....	64-68
<i>Рахматиллаев Хасанбой</i> МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ЭТНИК ТАРИХИНИ ЁРИТИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР ВА УСУЛЛАРГА ДОИР .....	69-74
<i>Qurbanova Manzila Boqiyevna</i> BUXORO VOHASI MILLIY SHIRINLIKHLARI VA ICHIMLIKHLARI .....	75-80
<i>Ravshanova Gulora</i> QASHQADARYO VOHASIDA MUNTAZAM QUROLLI HARAKATLAR TA'MINOTI (XX-asrning 20- yillarida) .....	81-85
<i>Зарипбаев Уснатдин Оракбаевич</i> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ .....	86-90

<i>Baxronov Abdullo Haydar o'gli</i>	
O'ZBEKISTONDA TOSH DAVRI ARXEOLOGIYASINI O'RGANISHDA XALQARO EKSPEDISIYALARINING O'RNI .....	91-95
<i>Maxmatqulov Jasur Isroil o'g'li</i>	
GIYOHVANDLIKKA QARSHI KURASH MAVZUSINING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI .....	96-101
<i>Eanova Nilufar</i>	
O'ZBEKİSTON-TURKİYA HAMKORLIGI VA UNİNG NATİJASI (TO'QIMACHILIK SANOATI MISOLIDA) .....	102-106
<i>Норбоев Сарвар Қахрамон ўғли</i>	
АФРОСИЁБДАГИ СҮФД МУДОФАА ДЕВОРИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ (XX АСРНИНГ 50-80-ЙИЛЛАРИ).....	107-111
<i>Эсонов Зиёдбек Юлдашевич</i>	
ФАРГОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ ТЎҚИМАЧИЛИК ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ АНЪАНАЛАРИ .....	112-117
<i>Tishabayeva Irodaxon Rasulovna</i>	
1960-1970 YILLARDA O'ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI .....	118-124
<i>To'xtamisheva Fotima Musurmonovna</i>	
MUSTAQILLIK YILLARIDA QASHQADARYO VOHASI KASHTADO'ZLIGIDA O'ZGARISHLAR.....	125-132
<i>Sattorov Nurbek</i>	
SHIMOLIY BAQTRIYA VA ZARAFSHON MINTAQALARIDA DEHQONCHILIK VA CHORVACHILIK MADANIYATI SOHIBLARI ETNOMADANIY ALOQALARINING O'ZBEK XALQI ETNOGENEZEI SHAKLLANISHIDAGI O'RNI .....	133-138
<i>Hazratov Nurali Burxon ug'li</i>	
QADIMGI KESH VILOYATI HUDUDIDAGI ARXEOLOGIK YODGORLIKALARINING O'RGANILISH TARIXIDAN .....	139-144
<i>Mamatqulov Bekzod Sherozovich</i>	
O'ZBEKISTONDA GAZ-OLTINGUGURT SANOATINING YUZAGA KELISHI VA UNING RIVOJLANISH TARIXI (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA) .....	145-149
<i>Berdiyev Jamshid</i>	
VOHA JOY NOMLARINING SHAKLLANISHIDA ETNONIMLAR VA PATRONIMLARNING TUTGAN O'RNI .....	150-155
<i>Djurakulov Sherzod Davronovich</i>	
SAMARQAND VILOYATI HUDUDIDI TOSH DAVRI ARXEOLOGIYASINING O'RGANILISHI TARIXI .....	156-161
<i>Курбанова Дилрабо Шерипбоевна</i>	
ПАРЛАМЕНТ ТАРИХИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ .....	162-172

<i>Zuxriddin Boltayevich Juнаев</i> ХОРАЗМДА РЕСПУБЛИКА ТУЗУМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР (1920-1924 йиллар) .....	173-181
<i>Mamatdiev Boxodir Bobojonovich</i> QASHQADARYO MUZEYIDAGI NODIR OSTODON .....	182-186
<i>Norqo'chqarov Xushvaqt Eshnazarovich</i> AFG'ONISTONDA O'ZBEK TILINING QONUNIY ASOSLANISHI, O'ZBEKLAR IJTIMOIY-MADANIY HAYOTIDAGI O'RNI (XX ASR – XXI ASR BOSHLARI) .....	187-197
<i>Ibragimov Rahmon Ziyodullaevich</i> ТОШКЕНТ ВОҲАСИ СҮНГИ БРОНЗА ДАВРИ ТАРИХИ ТИЗИМИДА: Дағн үдуми ва миграция масалалари .....	198-203
<i>Azamatova Gulmira Bayirbekovna</i> ОДАМ САВДОСИГА УЧРАГАН МИГРАНТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР .....	204-208
<i>Tishabayeva Irodaxon Rasulovna</i> 1960-1970 YILLARDA O'ZBEKİSTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI .....	209-215
<b>08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ</b>	
<i>Ostonokulov Azamat Abdurakovich, Inoyatov Mardonbek Mo'min o'g'li</i> DAVLAT SEKTORIDA ICHKI AUDITNING XALQARO STANDARTLARI .....	216-226
<i>Kurbaniyazov Shaxzodbek Karimovich</i> O'ZBEKİSTONDA KORPORATIV BOSHQARUV TASHKILIY- IQTISODIY MEXANIZMI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING NAZARIY VA USLUBIY ASOSLARI .....	227-232
<i>Отабеков Отажон Гайрат ўғли</i> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОПТИМАЛ СОЛИҚ ЮКИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МАСАЛАЛАРИ .....	233-243
<i>Шакирова Фарғат Болтаевна</i> ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ .....	244-255
<i>Мамбетназаров Бахыт Бисенбаевич</i> ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЬЕТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	256-263
<i>Jumaniyazova Ro'za Quvondiq qizi</i> TURIZM INFRATUZILMASI TUSHUNCHASI VA UNING O'ZIGA XOS JIHATLARI .....	264-269
<i>Matniyozov Murodjon Rajabbayevich</i> DESTINATSIYA IMIDJINI SHAKLLANTIRISHDA TURISTLARNING SODIQLIGI VA QONIQISHINING AHAMIYATI .....	270-278

<i>Хамидова Зарифа Урол қизи</i>	
ДАВЛАТ СЕКТОРИДА ИЧКИ АУДИТ ВА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	279-291
<i>Toshaliyeva Saodat Toxirovna</i>	
KICHIK TADBIRKORLIK TUSHUNCHASI VA UNING IJTIMOIY-IQTISODIY MOHIYATI ....	292-296
<i>Худойназаров Фахрутдин Хаитович</i>	
ИБН ХАЛДУННИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАВСИЯЛАРИ .....	297-304
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i>	
GASTRANOMIYANING TURIZM RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI .....	305-313
<i>Кадырова Шарофат Амоновна</i>	
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ....	314-323
<i>Бегматова Зиёда Захиджановна</i>	
ДАВЛАТ ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИ АСОСИДА КАДРЛАР БАНДЛИГИНИ ВА УЛАРГА ТАЛАБНИ БАҲОЛАШ .....	324-332
<i>Shafkarov Bakhrom Khudoyberdievich</i>	
TERRITORIAL FEATURES AND THEIR EFFECTIVE USE IN THE CULTIVATION OF VITICULTURE PRODUCTS .....	333-340
<i>Masharipova Fazilat Axmedovna</i>	
OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING AHAMIYATI .....	341-348
<i>Мусинов Дишод Султанович</i>	
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИННИНГИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛИ СИФАТИДА .....	349-359
<i>Шакирова Юлдуз Сайдалиевна</i>	
ВОПРОСЫ РАЗРАБОТКИ ДОРОЖНОЙ КАРТЫ АКТИВИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ .....	360-368
<i>Абдиовохидов Мамуржон Авазхон ўғли</i>	
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНГ МАЗМУНИ, ТАВСИФИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	369-380
<i>To'xtasinova Muxayyo Mirzasultonovna</i>	
DAVLATNING INNOVATSION TIZIMINI SHAKLLANTIRISH MASALASIGA .....	381-388
<i>Курбанова Раҳима Джамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна</i>	
РОЛЬ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В СТИМУЛИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ .....	389-403
<i>Набиева Нилуфар Муратовна</i>	
ОСОБЕННОСТИ КОМПЛЕКСА МАРКЕТИНГОВОГО ПРОДВИЖЕНИЯ КОМПАНИИ В ЦИФРОВОЙ СРЕДЕ .....	404-416

<i>Safarov Radjabboy Eshmukhammadovich</i>	
KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISHDA INDIVIDUAL DAROMADGA SOLIQLAR MEXANIZMIDAN SAMARALI FOYDALANISH MASALALARI .....	417-428
<i>Sharipova Zulayho</i>	
SANOAT TARMOQLARI KLASTERLARINI RIVOJLANTIRISH VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI .....	429-434
<i>Шарипов Акбар Илхамович</i>	
ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РА҆КАМЛИ МАРКЕТИНГНИ РОЛИ .....	435-440
<i>Хаджаев Хабибулла Сагдуллаевич</i>	
ОБЪЕКТИВНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ И ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ АНТИМОНОПОЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ.	441-447
<i>Xamzayeva Dilfuza Samarovna</i>	
SURXANDARYO VILOYATIDA TURISTIK MAHSULOTLARNI BAHOLASH VA SAMARALI RIVOJLATIRISH IMKONIYATLARI .....	448-452
<i>Усманова Насиба Акбаржоновна</i>	
ПУТИ РАЗВИТИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В СФЕРЕ УСЛУГ .....	453-459
<i>Исхакова Сарвар Аюбовна</i>	
ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА ЗАНЯТОСТЬ И КВАЛИФИКАЦИЮ ПЕРСОНАЛА В СФЕРЕ БЫТОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ .....	460-467
<i>Ollanazarov Bekmurod Davlatmuratovich</i>	
INNOVATSION TADBIRLIKNI MOLIYALASHTIRISHDA MUQOBIL MOLIYALASHTIRISH VOSITALARIDAN FOYDALANISH VA UNI TURISTIK XIZMATLAR SOHASIDA QO'LLASH IMKONIYATLARI .....	468-479
<i>To'ychiyeva Nodira G'ulom qizi</i>	
OLIY TA'LIMNI BOSHQARISHDAGI INNOVATSIYALAR. CHAT GPT YOHUD SUN'YIY INTELLEKT .....	480-485
<i>Абдураҳимова Саида Аҳмаджановна, Адилова Гўзал Абзаловна</i>	
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛANIШ ТАҲЛИЛИ .....	486-494
<i>Maxsudov Sherzod Solijonovich</i>	
TO'QIMACHILIK SANOATI KORXONALARIDA INVESTITSION MUHIT JOZIBADORLIGINI BOSHQARISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI .....	495-500
<i>Tadjibekova Dilnoza Bakhtiyorovna</i>	
ENHANCING FINANCIAL RESOURCE FORMATION IN BUSINESSES .....	501-506
<i>Radjabova Malika Ziyodullayevna</i>	
AHOLI BANDLIGINI TA'MINLASH ISTIQBOLLARI XUSUSIDA .....	507-512

**09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

<i>Asraqulova Adiba Nabiyevna</i>	
ZAMONAVIY DAVRDA IQTISODGA FALSAFIY QARASHLAR .....	513-520
<i>Жўраев Аҳмад Муҳаммадиевич</i>	
ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК ФОЯЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ .....	521-530
<i>Гуламова Мавжуда Ташиулатовна</i>	
АХМАД ЗИЁУДДИН АЛ-КУМУШХОНАВИЙ АСАРЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН ФОЯЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ .....	531-538
<i>Abduxolikova Nasiba Alijonovna</i>	
YOSHLARNING ONLAYN TA'LIM JARAYONIGA TA'SIR ETUVCHI IJOBIY SALBIY OMILLAR .....	539-544
<i>Yazdonov Zikirillo Shukurilloyevich</i>	
QALANDARIYLIK VA UNING INSON, JAMIYAT TIZIMIDAGI O'RNI .....	545-552
<i>Sharipova Barno Salimovna</i>	
BIOETIK MADANIYATNING RIVOJLANISH BOSQICHLARI VA UNING ZAMONAVIY IMIJI .....	553-558
<i>Xalikulova Umida Rustamovna</i>	
AXBOROT MUHITINING OLIY TA'LIMGA TA'SIRI: KONSTRUKTIV VA DESTRUKTIV OMILLAR .....	559-564
<i>Abbasova Maftuna Subxonovna, Temirova Xurshida</i>	
OILA VA NIKOH MA'NAVIYATI, OILANI MUSTAHKAMLASH OMILLARI .....	565-571
<i>Tog'ayev Nodirjon Ergashevich</i>	
AJDODLARIMIZ BOY ILMIY MEROSINING O'ZBEKİSTONDA MA'RIFATLI JAMIYAT QURISH HAMDA YOSHLAR TARBIYASIDA TUTGAN O'RNI .....	572-576
<i>Kipchoqov Xomidjon Gulomovich</i>	
JAVOBGARLIK PRINSIPINI SHAKLLANTIRISH AXLOQSHUNOSLIKNING ASOSIY MASALASI SIFATIDA .....	577-581
<i>Raximova Rayxon Abdurasulovna</i>	
ZAMONAVIY OILADA MA'NAVIY-AXLOQIY QADRIYATLARNI SHAKLLANTIRISH: MUAMMONING NAZARIY VA USLUBIY TAHLILI .....	582-586
<i>Аззамова Нилюфар Шухратовна</i>	
"АДАБ АЛЬ-ТАБИБ" КАК ИСТОЧНИК НАЦИОНАЛЬНОЙ БИОЭТИКИ .....	587-591
<i>Axmadiyev Nuriddin Muxutdinovich</i>	
INTELLEKTUAL MADANIYAT YOSHLARNING INNOVATSION FAOLLIGINI OSHIRISHNING MUHIM MEZONI SIFATIDA .....	592-596
<i>Nabiiev Mansur Jamxur o'g'li</i>	
DEMOKRATIK JAMIYAT TARAQQIYOTIDA IJTIMOIY G'OYALAR EVOLYUTSIYASI VA MODERNIZATSİYASI .....	597-603

<i>Kenjayeva Dilrabo Romanovna, Xaydarova Larisa Sunnatovna</i>	
GLOBALLASHUV SHAROITIDA MILLIY MADANIYAT SOHASIDAGI O'ZGARISHLARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI .....	604-609
<i>Abduraximova Tursunoy Abduvoxid qizi</i>	
O'ZBEKISTONDA OLIY TA'LIM TRANSFORMATSIYASINING FALSAFIY MOHIYATI .....	610-615
<i>Tagayev Ganisher Xasanovich</i>	
YOSHLAR ETNOESTETIK DUNYOQARASHINI RIVOJLANTIRISHDA BADIY-ESTETIK OMILLARNING O'RNI .....	616-625
<i>Шоназаров Жамишид Шухратович</i>	
БЕҲБУДИЙ ВА УНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ФОЯСИ .....	626-630
<i>Ҳамраев Сироҷ Аbruевич</i>	
ЖАМИЯТ ЯНГИЛАНИШИ ВА ТАДБИРКОР МАҶНАВИЯТИ .....	631-637
<i>Nabiyev Bekzod Muxammadumarovich</i>	
MAFKURAVIY ISHLARNI TASHKIL ETISHDA ZAMONAVIY TARG'IBOT TEXNOLOGIYALARI: O'ZBEKISTON VA XORIJ TAJRIBASI .....	638-642
<i>Hashimova Gulsina Ismoyilovna</i>	
HARBIY IJTIMOIY ISH VA HARBIY MADANIYATNING HARBIY XIZMATCHILAR FAROVONLIGINI TA'MINLASHDAGI ROLI .....	643-648
<i>Karimova Gulnoza Yigitaliyevna</i>	
AXLOQIY MADANIYAT TUSHUNCHASINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOIY ZARURIYATI .....	649-655
<i>Sharipova Kamola Usmonjonovna</i>	
YANGI O'ZBEKISTONDA GENDER TENGLIKNI TA'MINLASH BO'YICHA ILG'OR XORIJUY DAVLATLAR TAJRIBASINI MILLIY STRATEGIYAGA TRANSFORMASIYALASH ISTIQBOLLARI .....	656-661

*08.00.00- Иқтисодиёт фанлари*

**Отабеков Отажон Файрат ўғли**

Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университети тайланч докторанти  
Email: [otajonotabekov71@gmail.com](mailto:otajonotabekov71@gmail.com)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОПТИМАЛ СОЛИҚ ЮКИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ  
МАСАЛАЛАРИ**

**Annotatsiya.** Maqlolada Farg'ona vodiysining geografik joylashuvi, vodiy oila urf-odatlari va qadriyatlarining o'ziga xos milliy mental xususiyatlari bayon qilingan. Vodiy turmush-tarzi, oila urf-odatlari va qadriyatlarining transformatsiyasi va uning ijtimoiy jarayonlarda namoyon bo'lish xususiyatlari ilmiy manbaalar asosida tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** Farg'ona vodiysi, vodiy, urf-odat, qadriyat, axoli, etnik jarayonlar, siyosat, mustaqillik.

**Otabekov Otajon**

PhD student of Westminster International University in Tashkent

**ISSUES OF OPTIMAL TAX BURDEN AND ECONOMIC GROWTH IN THE REPUBLIC OF  
UZBEKISTAN**

**Abstract.** The role of taxes in the national economy, the state financial situation and one of the main indicators of budget revenue management is the tax burden. With the help of the tax burden indicator, it is possible to get a preliminary idea of the government's involvement in the economy and the size of the state as a whole. According to official data, the tax burden (ratio of the consolidated budget to GDP) in the Republic of Uzbekistan in 2022 was 29 percent, and the ratio of state budget revenues to GDP (tax burden without targeted funds) was 21.7 percent. According to the results of calculations, the optimal (growth-maximizing) level of the tax burden in Uzbekistan is 20%-22%, and the optimal level of the tax burden without targeted funds is 18%-20%. Targeting the tax burden at this level increases annual economic growth by an average of 0.5%.

**Key words:** Tax burden, optimal tax theory, economic growth, tax burden targeting, state size.

**Отабеков Отажон**

докторанта Международного Вестминстерского университета в Ташкенте

**ВОПРОСЫ ОПТИМАЛЬНОГО НАЛОГОВОГО БРЕМЕНИ И ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА В  
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

**Аннотация.** Роль налогов в национальной экономике, финансовом положении государства и одним из основных показателей управления доходами бюджета является налоговая нагрузка. С помощью показателя налоговой нагрузки можно получить предварительное представление об участии государства в экономике и размерах государства в целом. По официальным данным, налоговая нагрузка (отношение консолидированного бюджета к ВВП) в Республике Узбекистан в 2022 году составила 29 процентов, а соотношение доходов государственного бюджета к ВВП (налоговое бремя без учета целевых фондов) - 21,7 процента. По результатам расчетов оптимальный (максимизирующий рост) уровень налоговой

нагрузки в Узбекистане составляет 20-22%, а оптимальный уровень налоговой нагрузки без целевых фондов - 18-20%. Таргетирование налоговой нагрузки на этом уровне увеличивает ежегодный экономический рост в среднем на 0,5%.

**Ключевые слова:** Налоговое бремя, теория оптимального налогообложения, экономический рост, таргетирование налоговой нагрузки, размер государства.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I12.1Y2023N36>

**Кириш.** Иқтисодий ўсиш, инфляция ва аҳоли бандлиги ҳар қандай мамлакат олдидағи асосий макроиқтисодий масалалардан ҳисобланади [12]. Бироқ, ушбу вазифаларнинг барчасини мақсад қилиб олган ҳукумат уларга бир вақтда эриша олмайди. Агар юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичи таъминланса, инфляция ҳам баланд бўлиши, паст инфляция бўлганда эса ишсизлик даражаси ўсиб кетиши, оқибатда бандлик даражасининг пасайиши кутилади. Шу сабабли, жаҳоннинг аксарият мамлакатлари ўз олдига инфляция даражасини маълум даражада назорат қилиб, унинг доирасида иқтисодий ўсишни максималлаштиришни бош мақсад қилиб қўяди [3].

Ўзбекистонда ҳам миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатлари ҳамда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширмлмоқда. Жумладан, 2017 йилдан Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда туб ислоҳотлар бошланди. Халқаро валюта жамғармаси эксперти Альберт Егер фикрига кўра Ўзбекистон қисқа вақт ичиди иқтисодий сиёсатда учта йирик ислоҳотни амалга оширишга муваффақ бўлди [27]:

- валюта сиёсатидаги кенг кўламли эркинлаштириш;
- статистик маълумотларнинг очиқлигини таъминланиши;
- кенг кўламли солиқ ислоҳотларининг бошланиши.

Бундан ташқари, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ("Стратегия")га мувофиқ йиллик инфляция даражасини босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтириш билан бир қаторда иқтисодий ўсиш даражасининг ўртача 6,5 фоиздан юқори бўлишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган [28].

Макроиқтисодий барқарорликка эришишда пул-кредит сиёсати билан бир қаторда бюджет-солиқ сиёсати аҳамиятли ҳисобланиб, иқтисодий ўсишга салмоқли таъсир ўтказади[1].

Хусусан, бюджет-солиқ сиёсати доирасида давлат солиққа тортиш орқали ресурсларни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлардаги соҳаларга қайта тақсимлайди. Унинг таълим, соғлиқни сақлаш, мудофаа, инфратузилма ва мулкни муҳофаза қилиш соҳаларига йўналтирилган харажатлари иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омил бўлиб хизмат қиласи[9].

Иқтисодиёт назариясига кўра давлатнинг истеъмол ва инвестиция харажатлари ишлаб чиқариш омилларининг умумий унумдорлигига ижобий таъсир қўрсатиб, иқтисодий ўсишни қўллаб қувватлайди. Иккинчи томондан, солиқ имтиёzlари бозордаги нархларга таъсир қилиш орқали ресурсларни хусусий сектордаги табиий тақсимланишини ўзгаририб юборади, айrim ҳолларда иқтисодий фаолият турлари кесимида рентабеллик даражасининг тенгизлигини кучайтириб, бозордаги рақобатга салбий таъсир ўтказади[6]. Бундай ҳолатда бюджет-солиқ сиёсати иқтисодий ўсишни секинлаштириши мумкин.

Бошқача қилиб айтганда, солиқ юкинининг муайян даражаси самарали (оптималь) ҳисобланиб, у иқтисодий ўсишни максималлаштиради, ундан юқориси эса иқтисодий агентларнинг истеъмол потенциалини камайтириши туфайли ўсишни секинлаштиради деб таъкидлаш мумкин (Лаффер эгри чизиги)[13].

Бундан ташқари, солиқ юкининг баланд бўлиши тадбиркорлик фаолияти рентабеллигини пасайтириши орқали иқтисодиётга салбий таъсир ўтказади; натижада хусусий секторнинг ЯИМдаги улушини камайиши кутилади. Бундай ҳолатни олдини олишга қаратилган Стратегиянинг 29-мақсадида: иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий секторга кенг йўл очиш, хусусан, 2026 йилга бориб тадбиркорлик субъектларига солиқ юкламасини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига камайтириш келтириб ўтилган[28].

Бизнинг фикримизча, Стратегияда белгиланган 25% солиқ юки миллий иқтисодиёт учун ҳаддан ташқари баланд ҳисобланади, яъни Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда жон бошига даромадлар ўсишига боғлиқ равишда солиқ юкини янада камайтириш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

*Маълумот учун: Ўзбекистон билан ўхшаши иқтисодиётлар орасида солиқ юки 10-19% ташкил этади, жумадан Қозогистонда – 18,7%, Туркменистанда – 10,5%, Вьетнамда – 16%, Бангладешда – 11% ташкил этади.*

Мазкур тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси мисолида иқтисодий ўсишни максималлаштирувчи солиқ юки даражаси ҳисобланди. Ҳисоб-китоб ушбу соҳага оид адабиётлар ва мавжуд методологиялардан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Асосий маълумот манбаси сифатида Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг очиқ маълумотлар порталидан фойдаланилди. Топилмаган маълумот Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди маълумолар базалари ёрдамида тўлдирилди. Тадқиқот натижаси сифатида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

### Адабиётлар таҳлили ва методология.

**Квадратик функция шаклидаги OLS регрессия модели.** Дастрлаб OLS модели асосида солиқ юки даражаси ва иқтисодий ўсиш суръати ёки аҳоли жон бошига ЯИМ ўртасидаги боғлиқлик баҳоланди. Қўлланилган эмпирик спецификациялар Лаффер эгри чизигига мос келадиган параболик тенденцияни қўллаб қувватламоқда.

Квадрат функция шаклидан фойдаланишнинг бу усули тескари U-эгри чизигига мос келади. Ўсиш суръати  $G_t$  ва солиқ юки  $T_t$  ўртасидаги 2-даражали полином нисбати аниқланди.

$$G_t = \beta_0 + \beta_1 * T_t + \beta_2 * (T_t)^2 + e_t \quad (1)$$

$G_t$  дан  $T_t$  га нисбатан ҳосила олиш натижасида иқтисодий ўсишни максималлаштирувчи солиқ юкининг оптималь даражасини аниқлаш мумкин:

$$(2)$$

$\beta_1$  ва  $\beta_2$  коэффициентларининг қиймати қарама-қарши бўлиб, солиқ юкининг ўсишга таъсирини акс эттирувчи биринчи коэффициент ( $\beta_1$ ) ижобий бўлиши керак. Солиқ юкининг оптималь ставгадан юқори бўлиши билан боғлиқ таъсирларни таъкидлайдиган иккинчи коэффициент ( $\beta_2$ ) салбий бўлиши керак[10][2].

**Scally модели.** Иқтисодиёт икки сектордан (давлат ва хусусий) иборат бўлиб, ҳукумат асосан солиқлар ҳисобидан молиялаштириладиган ( $tY_{t+1}$ ) ижтимоий товар ва

махсулотларни ( $G_{t-1}$ ) ишлаб чиқаради ва  $G = tY$  тенглама ўринли бўлади[11][22]. Хусусий сектор эса хусусий товар ва махсулотлар ишлаб чиқаради,  $(1-t)Y_{t-1}$ . Ушбу ижтимоий ва хусусий товар ва маҳсулотлар кейинчалик маълум бир вақт оралиғида миллий маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтирилади:

$$Y_t = a(G_{t-1})^b [(1-t)Y_{t-1}]^c \quad (3)$$

Ушбу босқичда, функция биринчи даражали деб ҳисобланмайди ва шунинг учун  $b+c \neq 1$  деб фараз қиласиз.

Бундан ташқари, иқтисодий ўсиш  $1+g=Y_t/Y_{t-1}$  га тенг бўлади[12][23]:

$$Y_t/Y_{t-1} = 1+g = a(G_{t-1})^b (1-t)(Y_{t-1})^{c-1} \quad (4)$$

Давлат харажатлари кўпайишининг иқтисодий ўсишга таъсири ижобий, аммо пасайиш суръатида, яъни ҳар бир қўшимча давлар харажатлари олдингига нисбатан камроқ иқтисодий ўсишни таъминлайди. Солиқ юкининг ( $t$ ) ўсиши иқтисодий ўсиш суръатига таъсири эса салбийдир[13][21].  $g$  дан  $G$  га нисбатан ҳосила олиш ва соддалаштириш орқали қуидаги натижага эга бўлиш мумкин

$$\frac{\partial g}{\partial G} = aG_{t-1}Y_{t-1}^{c-1}b(1-t)^c \quad (5)$$

$$\frac{\partial^2 g}{\partial G^2} = abG_{t-1}Y_{t-1}^{c-2}(1-t)^c(1-b) \quad (6)$$

кўриниб турибдики,  $\frac{\partial g}{\partial G} > 0$  ва  $\frac{\partial^2 g}{\partial G^2} < 0$ .  $g$  дан  $t$  га нисбатан ҳосила натижаси эса қуидаги:

$$\frac{\partial g}{\partial t} = -aG_{t-1}(1-t)^{c-1}c \quad (7)$$

$$\frac{\partial^2 g}{\partial t^2} = acG_{t-1}(1-t)^{c-2}(c-1) \quad (8)$$

бу ерда ҳам  $\frac{\partial g}{\partial t} < 0$  ва  $\frac{\partial^2 g}{\partial t^2} < 0$ .

Таърифга кўра,  $G = tY$  ўринли ва буни (3) тенгламага қўйиш орқали қуидаги натижага эришилади

$$Y_t = at^b(1-t)Y_{t-1}^{b+c} \quad (9)$$

Эндиликда, иқтисодий ўсиш суръатининг формуласининг кўриниши ўзгаради

$$1+g = at^b(1-t)(Y_{t-1})^{b+c-1} \quad (10)$$

Иқтисодий ўсишни максималлаштирадиган оптимал солиқ юки( $t^*$ ),  $g$  дан  $t$  га нисбатан ҳосила олиш ва 0 га тенглаб ишлаш орқали келтирилиб чиқрилади[25]:

$$\frac{\partial g}{\partial t} = aY_{t-1}^{b+c-1}[t^{b-1}b(1-t)^{c-1} - (1-t)^{c-1}t^b] \quad (11)$$

$$t^* = b/(b+c) \quad (12)$$

**Солиқ юки даражаси: мамлакатлар тажрибаси.** Жаҳон банкининг даромадлар классификациясига кўра даромади ўртачадан паст (Ўзбекистон ҳам шу гурухга мансуб) мамлакатларда ўртача солиқ юки 20-22 фоизни ташкил этади. Даромади ўртачадан юқори ва юқори даромадли мамлакатларда ўртача солиқ юки мос равища 25-27% ва 32-42% ташкил этади. Мамлакат иқтисодиёти ривожланиши билан давлат харажатлари ва шу сабабли солиқ юкининг ортиб бориши табиий ҳол (Вагнер қонуни)[24].

Шу билан бирга, мамлакатлар солиқ юкини оптимал даражада таргетлаши ва уни шу даражада сақлаши иқтисодий сиёsat нуқтаи назаридан мураккаб ҳисобланади[16].

Жумладан, Ўзбекистонда амалдаги 25,6% солиқ юки даромади ўртачадан паст мамлакатлар ичida юқори ҳисобланади (1-расм).

Ўзбекистондан паст ўнг томонда жойлашган мамлакатлар Ўзбекистонга нисбатан пастроқ солиқ юкига ва шу билан бирга юқорироқ ялпи миллий махсулотга эга ҳисобланишади. Бу мамлакатлар рўйхати 1-иловада келтирилган.

**1-расм**

Ўзбекистон Республикасида 2017 йилдан бери фискал ислоҳотлар, шу жумладан солиқ ислоҳотлари ҳам амалга оширилмоқда. Солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар асосан қуйидаги йўналишларда амалга оширилди:

- солиқлар ва солиқ қонунчилигини соддалаштириш;
- солиқ ҳужжатларидаги номувофиқликларни бартараф этиш;
- солиқлар ва мажбурий тўловлар сонини камайтириш;
- солиқ маъмурчилиги самарадорлигини ошириш;
- интизомли солиқ тўловчиларни қўллаб-қувватлаш;
- яширин иқтисодиётни қисқартириш;
- иқтисодиётнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш.

Шу билан бирга, ушбу ислоҳотлар кутилганидек солиқ юкининг пасайишига эмас, балки унинг ортишига олиб келди (2-расм).

**2-расм****Ўзбекистон Республикасида солиқ юки**

*Манба: Давлат статистика қўмитаси, 2021 йил*

Ўзбекистон Республикасида 2000-2017 йилларда барқарор пасайиб келаётган консолидациялашган бюджет даромадларининг ЯИМдаги улуши (солиқ юки) ҳамда давлат бюджет даромадларининг ЯИМдаги улуши солиқ ислоҳотлари натижасида 2017 йилдан буён ошиб бормоқда, бунга бир қатор омиллар сабаб қилиб кўрсатиш мумкин:

- 2017 йилда валюта сиёсатида кенг кўламли эркинлаштиришлар натижасида божхона божи ҳамда импорт товарлардан ундириладиган қўшилган қиймат ва акциз солиғи тушумлари қарийб икки баробарга ошди.
- 2019 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги солиқ концепциясига мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи прогрессив ставкадан пропорционал ставкага ўтказилди ва бунинг натижасида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг эффектив ставкаси ошди.

Аммо бу ўзгариш ўз самарасини бермади, яъни кутилганидек солиқ базасини кенгайтиришга ёрдам бермади, оқибатда солиқ юкининг ортишига олиб келди.

Ушбу мулоҳозаларга кўра Ўзбекистонда солиқ юкини оптималлаштириш долзарб масала сифатида кўрилмоқда.

**Ўзбекистон Республикасида оптимал солиқ юки даражасини ҳисоблаш натижалари.****Стандарт методологиялар ёрдамида ҳисобланган оптимал солиқ юки**

Дастлаб Ўзбекистон Республикасида оптимал солиқ юки даражаси 2000-2020 йиллар маълумотлари асосида энг кичик квадратлар усули (OLS) ёрдамида ҳисобланди.

OLS усули ёрдамида ҳисоблаш қуйидаги сабабларга кўра танланди:

1. Аксарият тадқиқотлар ушбу усулдан фойдаланган (Amgain 2017, Kbiladze 2015, Абдуллаев ва Коня, 2014);
2. Квадратик функция кўринишидаги модел ёрдамида регрессия қилиш имкониятини беради;
3. Регрессия натижаларининг интерпритацияси аниқ ва тушунарли.

**1-жадвал***OLS натижалари*

Ўзгарувчилар	Аҳоли жон бошига ЯИМ
Солиқ юки	3.107*** (1.037)
Солиқ юки квадрати	-0.0766*** (0.0247)
Ўзгармас	-25.71** (10.65)
N	20
R- квадрат	0.396

Регрессия натижаларига қўра Ўзбекистон Республикаси учун оптимал солиқ юки 20,28% ташкил этмоқда, яъни 2000-2020 йиллар маълумотлари ушбу солиқ юки даражасида миллий иқтисодиёт юқорироқ ўсиш суръатларига эга бўлишини кўрсатмоқда.

Хусусан, Жаҳон банки маълумотларига қўра 2000-2020 йилларда республикада аҳоли жон бошига ЯИМ ўрта ҳисобда йилига 4,85% ўсди. Агар солиқ юки йилига 20,28% атрофида таргетланганда, аҳоли жон бошига ЯИМ ўрта ҳисобда йилига 5,79% ўсиши мумкин эди, яъни аҳоли жон бошига ЯИМ ўрта ҳисобда 0,94 ф.п. юқорироқ ўсади.

Бундан ташқари, қўшимча контрол ўзгарувчилар билан спецификация қилинган моделлар ҳам натижани деярли ўзгартирумади.

Хусусан, регрессия моделларига 15 та контрол ўзгарувчиларни турли комбинацияларда қўшиб, жами 32767 та регрессия баҳоланди. Бунда 6116 та регрессияда асосий мустақил ўзгарувчилар – солиқ юки ва солиқ юкининг квадрати камида 10% статистик аҳамиятга эга бўлди. Ҳар бир регрессия натижаси ёрдамида оптимал солиқ юки даражаси ҳисобланди ва Ўзбекистон республикасида ўртача ҳисобда солиқ юкининг оптимал даражаси 20,44% ҳисобланди.

Моделга контрол ўзгарувчи сифатида ёшга боғлиқлилик нисбати (age dependency ratio) [5], иш билан бандлик даражаси [7], туғилишнинг йифинди коеффициенти [8], хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар [11], жон бошига ЯИМнинг ўсиш суръатининг 1-тартибли лаги (даврдаги қиймати) [14], якуний истеъмол харажатлар [16], асосий капиталга қўйилмалар [17], интернетдан фойдаланаётган аҳоли улуши [18], меҳнат ресурсларидағи аёллар улуши [19], туғилишда кутилаётган умр давомийлиги[20], аҳоли ўсиш суръати[26], олий таълим муассасаларини тамомлаган мутахассислар сони[14], савдо очиқлиги даражаси[5], давлат харажатларининг ЯИМдаги улуши[7] каби ўзгарувчилар киритилди.

6116 та регрессиядан 1026 таси Ўзбекистон Республикасида солиқ юкининг оптимал даражаси 19-20% оралиғида бўлиши кераклигини таъкидламоқда.

## 2-расм

### **Оптимал солиқ юки ҳисобланган регрессиялар тақсимоти**

Бундан ташқари, оптимал солиқ юки ҳисобланган регрессиялар нормал тақсимланган деб фараз килсан, бир стандарт оғма чегараси (65% ишончлилик интервали) 18,18-22,69% ташкил этмоқда.

### **Регрессия ёрдамида ҳисоблаш натижаларининг барқарорлигини текшириш**

### Scully модели

Оптимал солиқ юки даражаси ҳисобланган натижаларнинг барқарорлигини текшириш мақсадида ҳисоб-китоблар Scully модели ёрдамида қайта амалга оширилди.

### 2-жадвал

	<i>Scully модели регрессия натижалари</i>		
	(1)	(2)	(3)
Ўзгарувчилар	a	b	c
Коеффициенти	0.348** 0.528*** 2.104***		
	(0.124) (0.167) (0.644)		
Йиллар сони	20	20	20
R-квадрат	1.000	1.000	1.000

Ўзбекистон мисолида Scully модели параметрларининг баҳолари, яъни ва эканлигини инобатга олиб, оптимал солиқ юки даражаси ҳисобланди:

Scully модели ёрдамида ҳисобланган натижа аввалги OLS ёрдамидаги ҳисоб-китоб натижаларидан деярли фарқ қилмайди.

### Чегара таҳлили (Threshold Analysis)

Ўзгарувчининг чегара қийматини (яъни солиқ юкининг оптимал даражасини) баҳолашнинг яна бир муқобил усули чегара таҳлили ҳисобланади. Таҳлилларда йиллик ЯИМ ўсиш суръатини тобе ўзгарувчи сифатида ва солиқ юкини мустақил ўзгарувчи сифатида белгилаган ҳолда чегаравий модел қўлланди. Чизиқли бўлмаган авторегрессив моделдан фойдаланилди. Чегаравий модел натижаларига асосан оптимал солиқ юки 22,48 фоизни ташкил этади. Аниқроғи, солиқ юки 22,48 фоиздан ошган йилларда ўртача иқтисодий ўсиш 4 фоизга яқин бўлган бўлса, солиқ юки ушбу қийматдан паст бўлган йилларда ўртача иқтисодий ўсиш 6,75 фоизни ташкил қилган. Таҳлил натижаларини бошқа тадқиқот натижалари билан ҳам солиштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

### Айrim мамлакатларда ҳисобланган оптимал солиқ юки даражаси

### 3-жадвал

№	Муаллиф	Давр	Мамлакат	Метод	Ҳисобланган оптимал солиқ юки
1	Amgain (2017)	1991-2012	32 та Осиё мамлакатлари	OLS	18%
2	Chokri (2018)	1966-2015	Тунис	Scully	12.8%-19.6%
3	Абдуллаев ва Коня (2014)	1996-2011	Ўзбекистон		22%
4	Kbiladze (2015)	2003-2012	Грузия		13.6%-17.6%
5	Panthee (2019)	1993-2015	Непал		12.3%

<b>6</b>	Samimi et al.	1980- (2010)	Эрон	22%
		2008		
<b>7</b>	Husnain et al.	1975- (2015)	Покистон	12.64%
		2012	Хиндишон	12.18%
			Шри Ланка	16.91%
			Непал	13.63%

### Тадқиқот натижалари мухомаси

Тадқиқот натижаларига кўра республикада оптимал солиқ юки 18-20% даражасида бўлиши керак. Бу кўрсаткич амалдаги солиқ юкидан паст бўлишига қарамасдан, натижалар юқори статистик аҳамиятга эга ва солиқ юкини пасайтириш зарурлигини таъкидламоқда.

Табиийки, солиқ юкини пасайтириш имкониятлари давлат харажатлари ва давлат қарзига боғлиқ. Бироқ, мазкур тадқиқотда фақат иқтисодий ўсишни максималлаштирувчи солиқ юкини аниқлашга масалалари тадқиқ этилди. Давлат харажатларини оптималлаштириш масаласини алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланди.

Бундан ташқари, солиқ юкини қайси солиқлар эвазига пасайтириш мумкинлигини аниқлаш учун жами солиқ тушумлари композицияси, яъни ҳар бир солиқ турининг жами солиқ тушумларидағи улушини оптималлаштириш талаб этилади. Улар ёрдамида ҳам солиқ юкини пасайтириш ва бунинг натижасида иқтисодий ўсишни қўллаб қувватлаш мумкин бўлган сиёsat ҳалқаро амалиётда мавжуд. Бу ҳам алоҳида тадқиқот мавзусида сифатида кўрилиб, вазирликка қизиқарли бўлган тақдирда, тадқиқ қилинади.

**Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон**

**Республикасидаги солиқ юкининг амалдаги даражаси унинг оптимал даражасига нисбатан анча юқори. Солиқ юкини пасайтириш имкониятларини таҳлил қилиш жараёнида қўйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:**

**1.** Аксарият ривожланаётган, хусусан иқтисодиёти юқори ўсиш суръатларига эга мамлакатларда, солиқ юки 15%-20%, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 29% ташкил этади.

**2.** Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг 29-мақсадида белгиланган солиқ юки таргетини қайта кўриб чиқиш тавсия этилади. Хусусан, стратегияда 2026 йилгача солиқ юкини 27,5% даражасидан 25% даражагача тушириш белгиланган. Шу билан бирга, 25% солиқ юки миллий иқтисодиёт учун баланд ҳисобланади, яъни республикада кейинги йилларда жон бошига даромадлар ўсишига боғлиқ равища солиқ юкини янада камайтириш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

**3. Ўзбекистон Республикасида 2026 йилгача солиқ юкини босқичма-босқич 22% гача пасайтириш.** Ўзбекистонда тўлиқ бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида сўнгги йилларда кўплаб тизимли ўзгаришлар амалга оширилаётгани боис, солиқ юкининг оптимал даражасини хар йили қайта баҳолаш ва уни шунга кўра қайта таргетлаш талаб этилади.

**4. Солиқ юкини пасайтиришда солиқ юкига узоқ муддатли таъсир кучига эга сиёсий қарорлар қабул қилиш.** Солиқ юкини пасайтиришда фақат қисқа муддатда таъсир кучига эга қарорлар (турли солиқ имтиёзлари, солиқ таътиллари ва

бошқалар)дан кўра солиқ юкига узоқ муддатли таъсир кучига қарорларни (солиқ ставкаларининг пасайтирилиши каби) қабул қилиш самарали ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби – тор доирадаги имтиёзлар бозордаги рақобатга салбий таъсир кўрсатади ва солиқ сиёсатининг адолатлилик принципига зид.

**5. Бюджет даромадлари композицияси, яъни турли солиқларнинг жами солиқ тушумларидағи улушкини оптималлаштириш.** Ушбу масала қайси солиқ турларини камайтириш ҳисобига пасайтириш мүмкнинлиги, экологик солиқларни жорий қилиш имкониятлари билан боғлиқ масала бўлганлиги сабабли ўрганиш давом эттирилмоқда.

Иловалар

**1-илова**

**Ўзбекистонга нисбатан солиқ юки паст ва ялпи миллий маҳсулоти юқори айrim мамлакатлар**

№	Мамлакатлар	Амалдаги солиқ юки, %	Жон бошига ЯММ, паритет бўйича минг АҚШ долларида	Иқтисодий ўсиш, %
<b>Ривожланаётган мамлакатлар</b>				
1	Армения	24,1	4,6	5,66
2	Бахрайн	20,9	20	2,22
3	Бангладеш	10,9	2,6	5
4	Доминика Республикаси	15,5	8,2	5,74
5	Миср	19,9	3,5	3,33
6	Грузия	25,4	4,7	10,36
7	Ҳиндистон	19,7	2,2	8,95
8	Вьетнам	15,9	3,6	2,57
9	Индонезия	13,5	4,1	3,69
10	Иордания	25,2	4,5	2,03
11	Қозоғистон	18,7	8,7	4
12	Кения	18,8	2	7,23
13	Лаос	13,2	2,5	2,06
14	Малайзия	18,3	10,9	3,13
15	Мексика	23,3	9,4	4,79
16	Нигерия	7,2	2,1	3,65
17	Перу	21	6,5	13,29
18	Тайланд	20,29	7,3	1,56
19	Туркманистон	10,4	7,2	4,93
20	Филиппин	20,3	3,6	5,59
21	Шри-Ланка	8,9	3,8	3,58
<b>Ривожланган мамлакатлар</b>				
22	Гонконг	23,7	54,5	6,42
23	Чили	25,9	15	11,69
24	Ирландия	22,8	74,5	13,45
25	Корея	25,6	35	4,02
26	Сингапур	18,5	64	7,61

**Adabiyotlar/Литература/References:**

1. Anago SSF (2015) Croissance économique au Bénin : Une analyse à partir d'un modèle A seuil Stochastique. Revue d'Analyse des politiques économiques et financières Volume 1 - Numéro 1 Août 2015, pp 106-159
2. Arrow, Kenneth, and Gerard Debreu. 1954. Existence of an Equilibrium for a Competitive Economy. *Econometrica* 22: 265–90.
3. Barro R J (1990) Government Spending in a Simple Model of Endogenous Growth. *Journal of Political Economy*, Vol. 98, No. 5, S103–S125
4. Chelliah, Raja, Baas Hessel, and Margaret Kelly. 1975. Tax Ratios and Tax Effort in Developing Countries, 1969–1971. *IMF Economic Review* 22: 187–205.
5. Crivelli, Ernesto, and Sanjeev Gupta. 2014. Resource Blessing, Revenue Curse? Domestic Revenue Effort in Resource-Rich Countries. *IMF Working Paper*, WP/14/5, International Monetary Fund, Washington, DC, USA.
6. Cyan, Musharraf, Martinez-Vazquez Jorge, and Violeta Vulovic. 2013. Measuring Tax Effort: Does the Estimation Approach Matter and Should Effort be Linked to Expenditure Goals? *Working Paper Series* 39. Atlanta: International Center for Public Policy, Andrew Young School of Policy Studies, Georgia State University.
7. Hill R (2008) Optimal Taxation and Economic Growth: A Comment. *Public Choice*, Vol. 134, No. 3-4, pp. 419-427
8. Johansson A, Heady C, Arnold J, Brys B, Vartia L (2008) Taxation and Economic Growth. *OECD Economics Department Working Papers* No. 620
9. Kaplow, Louis (2008a). *The Theory of Taxation and Public Economics*. Princeton University Press.
10. Katz CJ, Mahler A, Franz MG (1983) The Impact of Taxes on growth and distribution in developed capitalist countries: A Cross-national study. *The American Political Science Review*, Vol. 77, No. 4, pp. 871-886
11. Keho Y (2010) Détermination d'un Taux de Pression Fiscale optimal en Côte d'Ivoire. *Bulletin de Politique Économique et de Développement* n° 04
12. Keynes, J.M. (1936), *The General Theory of Employment, Interest and Money*, Macmillan and Co., London.
13. Laffer A B (1981) Supply-Side Economics. *Financial Analysts Journal*, Vol. 37, No. 5, September-October, pp. 29-44
14. Levine, R. and Renelt, D.A. (1992), "Sensitivity analysis of cross-country growth regressions", *The American Economic Review*, Vol. 82 No. 4, pp. 942-963.
15. Mankiw, N. Gregory and Matthew Weinzierl (2008). "The Optimal Taxation of Height: A Case Study of Utilitarian Income Redistribution." *Forthcoming, American Economic Journals: Economic Policy*.
16. Myles GD (2000) Taxation and Economic Growth. *Fiscal Studies*, Vol. 21, No.1 (March), pp. 141-168
17. Myles GD (2009) Economic Growth and The Role of Taxation: Aggregate Data. *OECD Economics Department Working Papers* No.714
18. Pessino, Carola, and Ricardo Fenochietto. 2010. Determining countries' tax effort. *Hacienda Pública Española* 195: 65–87.
19. Rodrik, D. (1998), "Why do more open economies have bigger governments?", *Journal of Political Economy*, Vol. 106 No. 5, pp. 997-1032.
20. Romer CD, Romer DH (2007) The Macroeconomic Effects of Tax Changes: Estimates Based on a New Measure of Fiscal Shocks. *NBER Working Paper*, No. 13264, Cambridge, MA: National Bureau of Economic Research
21. Scully G W (2000) The Growth-Maximizing Tax Rate. *Pacific Economic Review*, Vol. 5, No. 1, pages 93-96

22. Scully GW (1995) The Growth Tax in the United States. *Public Choice*, Vol. 85, No. 1/2 (October) pp. 71–80
23. Scully GW (1996) Taxation and Economic Growth in New Zealand. *Pacific Economic Review*, Vol. 1, No.2, pp. 169–177
24. Scully GW (1998) Measuring the Burden of High Taxes. National Center for Policy Analysis, Policy Report No. 215, July
25. Scully GW (2003) Optimal Taxation, Economic Growth and Income Inequality. *Public Choice*, Vol. 115, No. 3/4 (June) pp. 299–312
26. Stotsky, Janet Gale, and AsegедечWoldeMariam. 1997. Tax E\_ort in sub-Saharan Africa. IMFWorking Paper, WP/97/107, International Monetary Fund,Washington, DC, USA.
27. IMF: Uzbekistan`s inflation ranges at some 20% (no date) UzReport.news. Available at: <https://uzreport.news/economy/imf-uzbekistans-inflation-ranges-at-some-20->
28. <https://lex.uz/docs/-5841063>

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*Nº 12/1 (3) – 2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
мастъалияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**  
100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).